

*Абдуманноб МАМАЖОНОВ*

# **ХАЗОН БҮЛМАС АТИРГУЛ**

*(ШЕЪРЛАР)*



**«Наманган» нашриёти  
2007**

10 33052  
0

III 629 - 1419,16 - 1271600  
----- 2007  
630 - 2,0 (05) - 07

© «Наманган» нациёти. Абдуманиб Мамажонов

07	Alisher Navciy nomidagi Ozbekiston MK
A453	

## МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН ДУНЁ

Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатдан таралган зиё,  
Муҳаббатсиз билинг ёроилар,  
Тўхтаб қолгай юраклар гўё.  
Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатсиз не керак дунё?

Ўчмас кўнгиллардан умрбод,  
Мунис оналарга муҳаббат.  
Сўнгра киндик қонинг тўкилган,  
Хур Ватанга бўлган муҳаббат.  
Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатсиз не керак дунё?

Муҳаббатнинг лаззатли они,  
Сўйган ёрга чексиз садоқат.  
Багринигга боссанг ором берган,  
Фарзандинигга бўлган мурувват.  
Муҳаббатдан яралган дунё,  
Муҳаббатсиз не керак дунё?

84(54)6-5  
АТТОР ДЎКОНИ

Аттор дўконига кирдим бир сафар,  
Таралиб турарди ундан мушк-аибар.

Шамдонга терилган сарвқад оқ шам,  
Ёқсанг ёруг бўлар кечалар, оқшом.

Яна қутичада қалампирмунчоқ,  
Балодан асровчи, қай вақт-овунчоқ.

Атторнинг қўлида садафдай тасбеҳ,  
Руҳнинг шифоси бу, ўйлама тош деб.

Тагин бир қутида мумёи асил:  
Синган суюкларнинг давоси деб бил.

Кунчиқар ёқдаги токчада китоб;  
Шарқдан чиқаётир икки офтоб.

Шундай китоблар бор: кўзга тўтиё,  
Адабнинг конидир, ақлингга зиё.

*Нече құтиларда марварид маржон,  
Келинга сотиб ол, укам Умаржон.*

*Үйда ҳам юролмас безаксиз аёл,  
Атмир-упага ҳам кетади хаёл.*

*Хуллас, бир газнадир аттор дўкони,  
Хуш-бўй ҳидларига чулгар дунёни.*

## **ҚАЙЛАРДАСАН**

*Мени илк бор мафтун этган гўзал қайдасан,  
Юрагимга ўт солиб кетган гўзал қайдасан?  
Тушимдамас ўнгимда кўрганлигим рост эди,  
Тим қора қош-кўзларинг хуснинг узра мос эди.  
Қоши қаро гўзалим қайлардасан, согиндим,  
Сўзи ширин асалим қайлардасан, согиндим.*

*Эслайсанми, ўшанда сен талаба қиз эдинг,  
Ўзинг келиб ёнимга ёзив беринг шеър дединг.  
Кулоқ тутиб сўзингга, боқиб ойдек юзингга,  
Киприги қайрилган ёр, кўнгил қўйдим ўзингга.  
Қоши қаро гўзалим қайлардасан, согиндим,  
Сўзи ширин асалим қайлардасан, согиндим.*

*Яратғандан тиларман муродимга еткаz деб,  
Мафтун әтган дилбарни құлларини түтқаз деб.  
Ол қулым, деган Аллоҳ, севиш әмаску гуноҳ,  
Үшал севған ёримга еткаz, наҳор ё чоңгоҳ.  
Коши қаро гузалим қайлардасан, согиндим,  
Сүзи ширип асалим қайлардасан, согиндим.*

### **ХУМО КУШГА**

*Хұмо құшим-бахт қүши,  
Минглариніг севған туши.  
Кел, бошимга құнақол,  
Шудир күнгіл хоҳиши.*

*Донға тұлдыр хирмонни,  
Бүт қыл чала иймонни.  
Юртим гүллаб яшасин,  
Лол қолдириб жаҳонни.*



## БЕЧОРА БУЛБУЛ

Чаман ичра очилмай бир гул,  
Таратмасдан хүшбүй ҳидини.  
Шайдо булиб унга бир булбул.  
Куйлар эди юрак додини.  
Куйлар, куйлар бечора булбул.  
Ёнар булбул очилмайни гул.

Ногаҳонда тақдир шамоли,  
Олиб кетди гулни йироққа.  
Насиб этмай гулнинг жамоли  
Хайрон булбул қолиб фироққа.  
Куйлар, куйлар бечора булбул,  
Ёнар булбул очилмайни гул.

Булбул куйлаб дунёда якка.  
Гулни севди, севолди фақат.  
Нима қиласи севгани юракка.  
Сигмас ундан ўзга муҳаббат.  
Куйлар, куйлар бечора булбул.  
Ёнар булбул очилмайни гул.

## Д И Л Р А Б О

*Минг тасанно: тонгда келдинг дилрабо, эй дилрабо,  
Миннатинг бошимга дурра, марҳабо, эй дилрабо!*

*Кутмаган агёру, ёгий илтифотни мунчалик,  
Булдилар ул шум рақиблар зеру-по, эй дилрабо.*

*Тинглагил: ҳар ёнда қушлар сайраёттир басма-бас,  
Булбулу тўргайда ҳам савти наво, эй дилрабо.*

*Сен билан кулбам ёришиди, кўкда кулди оғитоб,  
Худди подшодай севиндим мен гадо, эй дилрабо.*

*Тоза гулларки, таратмиши атрини, воҳ, ўзгача,  
Мушки сочингни олиб эсгай сабо, эй дилрабо.*

*Бунда сувлар ҳам қувонгай қувлашиб анҳор аро,  
Айлагай сенга етолмай можаро, эй дилрабо.*

*Сочилур кўзга зиёйинг, сўзларинг дардга даво,  
Тоза бир нурларга тўлди ер-само, эй дилрабо.*

*Қолди ҳайрат бирла Манноб журъатин ёрнинг кўриб,  
Шум рақиб додини бермоқ муддао, эй дилрабо.*

## МУЧАЛДОШЛАР ТАБРИГИ

Күтлуг бўлсин, тенгдошларим,  
Бу йил мучал тўйингиз.  
Давраларда жарангласин,  
Шўх-шўх қушиқ-куйингиз!

Ўн икки йил, қаранг худди  
Ўн икки ойдай ўтмиш.  
Таълим бериб кўп устозлар,  
Қулларимиздан тутмиш.

Хўроz йили экан бу йил  
Қаёгланиб юрайлик,  
Шундай мучал йилларидан  
Беш-ўнгасин кўрайлик.

Йилимизнинг ҳар бир куни-  
Яратгандан тухфадир.  
Совурмайлик елга уни,  
Доим қиласлик қадр!

*Осмонимиз мусаффо-ю,  
Соглом бўлсин элимиз.  
Ахир, «Сиҳат-саломатлик-  
иили» экан иилимиз!...*

*2005 йил.*

## **ЎЕЛИМ ХОТИРАСИ**

*Ўлим ҳам бир ибрат, эй умри азиз,  
Бир кун бу ҳужрани ташлаб кетамиз.  
Инсондан эзгулик қоларкан фақат,  
Бирорвга ёмонлик истаб нетамиз?*

*Эрта кўз юмибсан, дилбандим-углум,  
Энди хотираингга қилурмиз таъзим.  
Таваллуд бор жойда кетиш ҳам бордир,  
Ортиқча «оҳ-воҳ» ҳам гуниҳи азим.*

*Ўғилчам муниchalар эрта кўз юмдинг,  
Кабришг ҳам агадий сукунтга чўмди.  
Фақат бир таскин бор дил юнатгучи,  
Порлоқ хотираингни ёдлаймиз энди.*

## АТИРГУЛ

Оламда гуллар яшар,  
Гулзорларга ярашар.  
Кизил гулу атиргул  
Гузалликни талашар.

Лөла гуллариниг шоҳи,  
Бинафша гуллар моҳи.  
Лекин гӯзал атиргул  
Севишганилар ҳамроҳи.  
Атиргул очила қол,  
Сени жондан севади булбул.



## ОНА ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Онажон, қошиңгизга таъзим қилгани келдик,  
Боқиб күз ёшиңгизга, дардни олгани келдүк.

Сездикки бу тарихда ёвузлар күп, ёгий күп,  
Гөх қон оқиб ариқда, бұлған ёмон талотүп,

Ёмоилар бу маконга ҳасад билан қараган,  
Улуг Ўзбекистонга қирон солиб яйраган.

Кодирийлар, чүлпоплар тушмади не куйларга,  
Носирийдай ўглошлар етолмади түйларга.

Озодликка етишмак ҳеч вақт осон бұлмаган,  
Мисоли жавоҳирдак нархи арzon бұлмаган.

Не-не ёру-ёроилар қолди катта майдонда,  
Сиз каби онажонлар-бір умрлик армона.

Онажон, сукут сақлаб, сўзга ҳамдард бўлайин,  
Берган тузингиз оқлаб, элга хизмат қилайин.

## КҮНГИЛ ҚҮЙДИМ

Юрагимни сирдоши бүлгин,  
Хаётимни йүлдоши бүлгин.  
Яратсам ишқ-муҳаббат боги,  
Фақат ўзинг нақоши бүлгин.  
Күнгил қўйдим сенга паризод,  
Чаманимни айлагил обод.

Тингла айтай дилда боримни,  
Тўкиб сенга юрак зоримни.  
Муҳаббатим шунчаки эмас,  
Кабул этгил дил изҳоримни.  
Кўнгил қўйдим сенга паризод,  
Чаманимни айлагил обод.

Юз минг қаро қошлиар бўлса жам,  
Гўзал камон қошли сен ўзинг.  
Юзлар ойу кундек тўлса ҳам,  
Товланувчи фақат сен ўзинг.  
Кўнгил қўйдим сенга паризод,  
Чаманимни айлагил обод.

## **КҮЗИМ КИЙМАС...**

*Хей, бу дүнөң қандай бұлса ҳам,  
Севинч билән қаршилай ҳар дам,  
Сәхрәдір күзимга олам,  
Чиқсам ҳамки гоҳо овлоққа,  
Күзим қиймас ташлаб кетмоққа.*

*Бағорларни құмсағым қишаған,  
Роҳат олдиғы ҳар бир юмушадан,  
Нолимадым асло түрмушадан,  
Боқиб ёшым улғайған чоққа,  
Күзим қиймас ташлаб кетмоққа.*

*Гұдакларниғ құлгуси бунда,  
Юракларниғ орзуси бунда,  
Күңгилларниғ күзгуси бунда,  
Күним қолса ҳамки фироққа,  
Күзим қиймас ташлаб кетмоққа.*

*Гоҳи согман, гоҳида бемор,  
Сизга ашъор ёзибман бедор,  
Сағиңгизда доимо мен бор,  
Богланған гулу-япроққа,  
Күзим қиімас ташлаб кетмоққа.*

*Ганиматдир ҳар іотум нафас,  
Дунё асло бўлмагай қафас,  
Чексиз эрур Манинбда ҳавас,  
Таъзимдаман она тупроққа,  
Күзим қиімас ташлаб кетмоққа.*



## ЁЛГОН БҮЛАР...

Атрин сочиб гул ёки ялпиз,  
Таралмади бизнинг севгимиз,  
Кутолмади мени севган қиз,  
Ёлгон бўлар қизлар севгиси.

Ўзга ёрга бошини боғлаб,  
Падари ўз вақтини чоғлаб,  
Севгимизга бўлди аёвсиз,  
Ёлгон бўлар қизлар севгиси.

Севганимдан айрилиб қолиб,  
Кеча-кундуз юрагим тўлиб,  
Кўз ёшлиарим дарёдай бўлиб,  
Ёлгон бўлар қизлар севгиси.



## **ҲИМОЯ АЙЛА...**


*Эл нияти-дилинда,  
Хуррияти-қўлинда,  
Тошу тарозусини  
Ҳимоя айла, э дўст!*

*Тиллога тенг саҳроси,  
Хушдир обу ҳавоси,  
Жайрону оҳусини  
Ҳимоя айла, э дўст!*

*Гуллайверсин боғлари,  
Баҳору ёз чоғлари,  
Олча-ю олусини  
Ҳимоя айла, э дўст!*

*Боғларга зог қўнимасин,  
Ёмон ният-умасин,  
Покиза туйгусини  
Ҳимоя айла, э дўст!*

*Ой оқшом кўкда порлар,  
Ерда посбон чипорлар,*



*Элнинг тинч уйқусини  
Химоя айла, э дўст!*

*Фариштадай бегубор,  
Гўдак уйғонар саҳар,  
Гўдаклар кулгусини  
Химоя айла, э дўст!*

*Кизлар сочин талашар,  
Гоҳ ойнага қарашар,  
Порлоқ у келгусини  
Химоя айла, э дўст!*

*Бўлмаган ҳеч кимдан кам,  
Кам бўлмагай энди ҳам,  
Улуглар орзусини  
Химоя айла, э дўст!*



## ЎЗБЕКИСТОН ҲУРМАТИ

*Бўлсин-ей элда азиз ҳар Тоза виждои ҳурмати,  
Тоза виждан соҳиби-ул Яхши инсон ҳурмати.*

*Ҳурматин сақлар йигит-қиз Мөҳнату заҳмат билан,  
Хушбўйи билан ҳавасли Богдада раийхон ҳурмати.*

*Отмагил осмонига тоши ҳам, Ерии тепма ҳайқириб,  
Ул азиз ота-онаингдек-Еру-осмон ҳурмати.*

*Фурсатинг олтинга тенгдур, қайтмагай ортига ҳеч,  
Каъбанинг тоши қадарли Тоза имкон ҳурмати.*

*Гарчи йўқ, Маниоб, ҳаётда Ота-онаингдек азиз,  
Не азиз, бил ондин ортиқ Ўзбекистон ҳурмати.*

## ТҮРТЛИКЛАР

1

*Мақтөвни жонидай хүш күрар бирөв:  
Сариёг сингари мазали мақтөв.  
Сезмаски, амалдан кетса у агар,  
Мунофиқ, сохтагар тош отар дарров.*

2

*Хотин важоҳатин кўрганда ҳар гал,  
Кўнглимда бир фикр топади сайқал:  
Дўстларим, аслида шоирга эмас,  
Шоир хотинига қўйишисин ҳайкал!*

3

*Бир бурда ионга сен қиласаң қаноат,  
Қандайни баҳтдир бу, қандай саодат!  
Тилинг қисиқ бўлмай иокаслардан ҳеч,  
Ҳамто рақиблар ҳам қилишар ҳурмат.*

4

*Оlamга бир ишоҳ ташладим-қолдим,  
Тўсатдан ёқамини ушладим қолдим:  
Борлиқда минг битта мўъжиза кўриб,  
Ҳайрат бармогимни тишладим-қолдим..*

*Бойчечак күз ишиқар чүкүидан настда,  
Унга гулбарра ҳам бўлур вобаста.  
Булбул навосини созлар баҳорга,  
Жилга ҳам чулдираб қолади аста.*

### **БОБО ДЕҲКОН**

*Кеча-кундуз она ер билан,  
Үйқу билмай тиллашган.  
Ғўзасини босса ўт-ўлан,  
Матонат-ла, қаттиқ беллашган.*

*Хашоратга эмлаб гўзасин,  
Шоналатиб бўлиқ ҳосилни.  
Мўл хирмонга қўшиб ҳиссасин,  
Кадрин баланд кўтарган элни.*

*Шарафлайман, эй, бобо деҳқон,  
Таъзимдаман ҳазрати инсон!*



## БӨГЛАРНИНГ

Сұлувим саир этмиш бөгдә саҳардан,  
Атри димогимга урап бөгларнинг.  
Мани йүқлаб кепти атай шаҳардан,  
Нұлқасида ёлғыз юрап бөгларнинг.

Согинганда бөгларга мен роз айтдым,  
Сирим ошкор айтсам ҳамки, рост айтдым,  
Холи келса этар дея ңоз айтдым,  
Ерим энди сирин сўрап бөгларнинг.

Бир мен эмас, бөг ҳам унга дилафгор,  
Узумлар йўлига гавҳардай оқар,  
Атиргуллар оловли багрин ёқар,  
Арзи ҳолин сезиб турар бөгларнинг.

Кўшиқ айтар-янграб чиройли оҳанг,  
Булбулу жўрларнинг бунда ҳоли танг,  
Товуслар саломга келмиш ҳанг -манг,  
Согинганин синаб кўрап бөгларнинг.

Эшиштганилар қилмоқ бўлар наzzора,  
Бедоналар «бит-билдиқ»лаб овора,

*Севинч ила күзёши түкар фаввора,  
Богбони ҳам хаёл сурар болгарнинг.*

*Ёрга атаб боддан гуллар тераи мен,  
Тезроқ етиб ёр қўлига берай мен,  
Сулув билан давру-даврон сурай мен,  
Маниоб ҳам шарбатин сўрар болгарнинг.*

## **НАВРЎЗ ФАРДЛАРИ**

**1**

*Эй кўнгил баҳори, эй улуғ Наврӯз,  
Элга олиб келдинг қувонич, янги сўз!*

**2**

*«Бу кунларга етган, етмаганлар бор»,  
Мунча согинтириб қўйдинг, эй Баҳор!*

**3**

*Эй она диёрим, сен-эй қора кўз,  
Хар тунинг тинч бўлсин, ҳар кунинг-Наврӯз!*

**4**

*Шукрони қиласлик-етдик Наврӯзга,  
Бодом гулларини сурайлик кўзга!*

**5**

*Эй, она диёрим, эй ота макон,  
Баҳорий тилаклар тизилгай маржон!*

## ҮЗИНГНИ АЛДАДИНГ

Эй, жонгинам, гүзал ёргинам,  
Жондан ортиқ севардим сени.  
Босган изларимга зоргинам,  
Ваъда бериб ўзинг алдадинг,  
Чин севгимга вафо қилмадинг.

Ўн саккизга кирганда ёшинг,  
Хузурингда эгилди бошим,  
Синай дединг сабр-бардошим,  
Ўзинг эдинг яқин сирдошим.  
Ваъда бериб ўзинг алдадинг,  
Чин севгимга вафо қилмадинг.



## **ШОҲИМАРДОНДА**

*Шоҳимардон тонгларини кузатганман,  
Шеърларимни унга қараб тузатганман.  
У ерда ҳам булбул сайраб кетар роса-  
Тогу-тошлар орасида қандай маза!*

*Булбул эмас, гўё шоир куйлагандек,  
Айтолмаган армонларин суйлагандек.  
Булбул куйи саҳардан то саҳаргача,  
Назаримда куй тугамас маҳшаргача.*



## **СУБХИДАМДА**

*Каршымдаги баланд бөгдән  
шүх садолар келади.  
«Ялла» күчіб келаган чогда,  
Түй-томоша бұлади.*

*Колғап пайтлар булбұл билан  
биз қоламыз оламда.  
Оlam күйге тұлғай бирдан,  
Тигланғыз сүбхидамда.*

## **ҚҰЛИ КУББОН**

*Хайратомуз нарса күпдір дүнёда  
Құли Куббон бүнга ёрқии бир мисол:  
Тоңғданоқ әсади майин шаббода,  
Оқшом им қоқади самода ҳилол.*

*Төглар буюклигин акси-күлдаги,  
Буюк табиатга тишиқ бир күзгу.  
Онанинг күксідан сүт келғап каби-  
Төгларниң бағридан сизиб оқар сув.*

## ОДДИЙ ФАЛСАФА

*Бұлса ер, сув, сұлым табиат,  
Меднам қылсанғ бақоли құдрат.  
Бир бурда ион бүлмаса миннат,  
Бу дүиёда үшадир жаппарат.*

*Соя бұлса мармар бир манах,  
Күнгіл бұлса ундан-да муз-ях,  
Бұлса уйниг қаронғу ва зах,  
Бу дүиёда үшадир дұзах.*



## ЗАРУРАТ

*Битта қүшга ҳам сув керак,  
Хам дон керак, дейдилар.  
Йигитга-чи сулув керак,  
Ошён керак, дейдилар.*

*Бир жуфт қүшга сайрагани  
Битта дараҳт бұлса бас.  
Одам эса, яйрагани  
Дунёни қиласар ҳавас.*



## ҚУШЛАР ВА ЖИЛГАЛАР

Мен қушларни жилгаларга  
Үхшатаман баъзида.  
Ха, бирмунча үхшашик бор  
Улар яшаши тарзида.

Жилга қушдай жаранглайди,  
Тогу-тошлар ошади.  
Ён-верига аланглайди.  
Ва олдинга шошада.



## **«КУШҚУНМАС»**

*Бу күхнә дунёни еру-осмонисиз,  
Дарахту-қушларсиз тасвиirlаб бўлмас.  
Ва лекин қушлар ҳам бўлмас маконисиз,  
қушлар ҳам ҳар қандай бутага қўймас.*

*Сегасойда кўрдим: «Кушқўймас» деган,  
Тиконли бир бута турар қаққайиб.  
Исмига яраша, қуш-қўймас экан,  
Бисоти тиконин тураркан сайиб.*

## **ХАЗИЛ ВА ЧИН**

*Мени танимаслр  
Ҳатто шаҳарда,  
Кўриниб турсам ҳам  
Тоигда, саҳарда.*

*Шонр босиб кетди  
Бутун ўлкани.  
Шеъримни танишиса  
Ўша бўлгани...!*

# МУНДАРИЖА

Мұхаббатдан яралған дүнё .....	3
Аттор дүкөни .....	4
Қайлардасан .....	5
Хұмоқушыға .....	6
Бечора булбул .....	7
Дилрабо .....	8
Мұчалдошлар табриги .....	9
Үглемін хотираси .....	10
Атиргул .....	11
Она ҳайкали пойида .....	12
Күнгіл қўйдим .....	13
Кўзим қиймас .....	14
Ёлғон бўлар .....	16
Ҳимоя айла .....	17
Ўзбекистон ҳурмати .....	19
Тўртликлар .....	20
Бобо дехқон .....	21
Боғларинг .....	22
Наврўз фардлари .....	23
Ўзингни алдадинг .....	24
Шоҳимарданда .....	25
Субхидалданда .....	26
Қўли Қуббон .....	26
Оддий фалсафа .....	27
Зарурат .....	28
Құшлар вә жигелгалар .....	29
«Қүшқунмас» .....	30
Ҳазилвачин .....	30

*Адабий-бадиий нашр*

*Абдуманноб МАМАЖОНОВ*

## **ХАЗОН БҮЛМАС АТИРГУЛ**

*(ШЕРЛАР)*



Муҳаррир:

Саҳифаловчи:

Тех. муҳаррир:

Мусахҳих:

**Жамолиддин МУСЛИМ.**

**И.ТОШХОЖАЕВ.**

**F. МУЛЛАБОЕВ.**

**C. ХОЖАЕВ.**



Теришга 27.04.2005 йил берилди. Босишига 3.05.2007 йил рухсат этилди.  
Газета қоғозига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 2,0  
босма табоқ. Адади 1000 нусха. Буюртма № 287. Баҳоси келишилган нархда.

---

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри Навоий кўча 36-йй.  
«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўғизода кўчаси, 8-йй.